

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АРАБОВ САИДҚУЛ АМИРОВИЧ

**МИРЗАЧЎЛ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ
ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона-2022

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологической наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD) on biological
sciennces**

Арабов Саидкул Амирович

Мирзачўл суғориладиган тупроқларининг мелиоратив ҳолати ва уларни
яхшилаш 3

Арабов Саидкул Амирович

Мелиоративное состояние орошаемых почв Мирзачуля и их
улучшение..... 21

Arabov Saidqul Amirovich

Reclamation of Mirzachul's irrigated soils and their
improvement..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.B.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АРАБОВ САИДҚУЛ АМИРОВИЧ

**МИРЗАЧЎЛ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ МЕЛИОРАТИВ
ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ЯХШИЛАШ**

03.00.13 – Тупроқшунослик

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона-2022

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/B573 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтида (ТАИТИ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Абдурахмонов Нодиржон Юлчиевич биология фанлари доктори, катта илмий ходим
Расмий оппонентлар:	Жаббаров Зафаржон Абдукаримович биология фанлари доктори, профессор Уразбаев Исматулла Умматович биология фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Андижон кишлок хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.B.05.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «03» 08 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-уй. Тел.: (+998) 73-244-44-02; факс: (+998) 73-244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz).


Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (173 -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси 19-уй. Тел.: (+99873)244-44-94).

Диссертация автореферати 2022 йил «20» 07 куни таркатилди.
(2022 йил «20» 07 даги № 5 -рақамли реестр баённомаси).




Ф.Юлдашев
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор


У.Б.Мирзаев
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,
доцент


М.Т.Исағалиев
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда «дунёда экин майдонларининг 10 фоиздан ортиғи шўрланган, бу эса бутун дунё бўйлаб озиқ-овқат хавфсизлиги учун жиддий хавф туғдиради, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан 2021 йилнинг октябрь ойида эълон қилинган «Шўрланган тупроқларнинг глобал харитаси»да дунё бўйлаб 833,0 миллион гектардан ортиқ ер майдони тупроқлари шўрланган, тупроқ шўрланишидан энг кўп зарар кўрган ҳудудлар Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Жанубий Америка, Шимолий Африка ва Тинч океани атрофида жойлашган»¹лиги келтириб ўтилган. Шу сабабли ҳам тупроқлар шўрланишига қарши курашиш, суғориладиган ерлар тупроқ-мелиоратив ҳолатини аниқлаш, яхшилаш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга қаратилган илмий-тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда шўрланган майдонлардаги тупроқ ресурсларидан оқилона фойдаланишда суғориш ва дренаж тизимларини бошқариш, шўрга чидамли экинларни танлаш ва экиш, тупроқларнинг экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигига таъсир этувчи салбий жараёнларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ер ости сувларининг минерализацияси, критик сатҳини аниқлаш ва тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш, тупроқ шўрланишини олдини олиш, шўрланган тупроқларни тўғри бошқариш ва шўрланиш натижасида бузилган тупроқларни қайта тиклаш орқали тупроқ унумдорлигини барқарор бошқаришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда интенсив деҳқончилик шароитида мавжуд суғориладиган ер фондидан фойдаланиш самарадорлиги, тупроқлар унумдорлиги ва асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, бунда тупроқлар хосса-хусусиятларини аниқлаш орқали мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида «Табий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш устувор йўналишлардан бири бўлиб, унда ерларнинг мелиоратив ҳолати ва шўрланиш даражасини замонавий технологиялар асосида мониторинг қилиб бориш»² бўйича ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам Мирзачўл ҳудудида шакллланган ва ривожланган суғориладиган тупроқлардаги сувда осон эрувчи тузлар миқдори ва захираларининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш, уларда содир бўлаётган ўзгаришларни таҳлил этиш, тупроқ унумдорлигини чегараловчи омиллар таъсирида юзага келаётган деградация жараёнларини олдини олиш орқали ер фондидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

¹<https://www.fao.org/newsroom/detail/world-soil-day-fao-highlights-threat-of-soil-salinization-to-food-security-031221/en>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғориладиган тупроқларнинг шўрланганлик даражасини аниқлаш, экологик-мелиоратив ҳолатини баҳолаш ва яхшилаш борасида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари хорижлик олимлар: D.H.Yaalon, F.Doering, R.Reave, D.Horneck, K.Stokinger, D.Franzen, Н.А.Димо, В.А.Ковда, В.В.Егоров, А.Н.Розанов, В.Р.Волобуев, Е.Н.Иванова, И.С.Рабочев, В.А.Молодцов, Н.Г.Минашина, С.Ф.Аверьянов, Е.И.Панкова ҳамда ўзбекистонлик олимлар: М.А.Панков, В.М.Легостоев, Б.В.Федоров, Б.В.Горбунов, А.З.Генусов, Н.В.Кимберг, С.А.Шувалов, С.А.Кудрин, К.М.Клавдиенко, М.У.Умаров, А.М.Расулов, О.К.Комилов, Р.Қўзиёв, С.А.Абдуллаев, В.Ю.Исақов, А.У.Ахмедов, А.Мақсудов, М.М.Тошқўзиёв, Г.Юлдашев, Р.Қурвантоев, Ш.М.Бобомуродов, Н.Ю.Абдурахмонов, Ғ.Т.Парпиев, А.Ж.Исмонов, Х.Қ.Намозов, Ў.Т.Собитов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Лекин, суғориладиган тупроқларнинг генетик қатламларидаги ялпи тузлар миқдори ва захиралари, тупроқлар мелиоратив ҳолатидаги ўзгаришлар динамикаси бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-7-249 «Тупроқ унумдорлиги даражасини баҳолаш ва ерларнинг меъёрий қийматини ҳисоблаш бўйича илмий асосланган услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш» (2006-2008 йй.), БВ-А-ҚХ-2018-387 «Геоахборот тизими (ГАТ) технологияларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини оптимал жойлаштиришнинг илмий асосланган тизимини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар ҳамда №2012-2-сон «Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини мониторинг мақсадларида тадқиқ этиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш» (2012 й.), №2018-15-сон «Жиззах вилояти барча туманларида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар суғориладиган ерларининг тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини бажариш» (2018 й.), №2019-01-сон «Жиззах вилоятидаги қишлоқ хўжалигига яроқли

ерларнинг тупроқ мониторинги мақсадларида тадқиқ этиш учун стационар ва ярим стационар экологик майдончаларда режим кузатувларини бажариш» (2019 й.) мавзуларидаги шартномалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Мирзачўл ҳудуди суғориладиган тупроқларининг хосса-хусусиятларидаги ўзгаришлар асосида уларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш ҳамда унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Мирзачўл ҳудуди тупроқларининг шаклланиши ва ривожланишида табиий ва антропоген омиллар таъсирини ўрганиш;

суғориладиган тупроқларнинг умумфизикавий ва агрокимёвий хоссаларини ҳамда мелиоратив ҳолатини аниқлаш;

ер ости сувларининг минераллашганлик даражаси ва кимёвий таркибини аниқлаш;

суғориладиган тупроқлардаги шўрланиш ва шўрсизланиш жараёнлари, сувда осон эрувчи тузлар миқдори ва заҳираларини тупроқлар генетик қатламлари бўйича аниқлаш;

таянч ҳудудлар суғориладиган ерларнинг 1:10000 масштабли тупроқ шўрланиш картограммалари ва тупроқ сифатини баҳолаш хариталарини тузиш;

Мирзачўлнинг ер фонди ва тупроқ структурасининг ҳолатини аниқлаш;

тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мирзачўл ҳудудининг оч тусли бўз тупроқлар минтақасидаги суғориладиган бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз ва ўтлоқи тупроқлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети суғориладиган тупроқларнинг умумий физик, физик-механик хоссалари, гумус ва озика элементлари, шўрланиш ва унга таъсир этувчи омиллар, тупроқларнинг мелиоратив ҳолати, тупроқ сифатини баҳолаш хариталари, шўрланиш картограммалари, ер фонди структураси, асосий экинлар ҳосилдорлиги динамикаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар дала, лаборатория ва камерал шароитларда тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган бўлиб, изланишларда географик, генетик, тарихий-таққослаш, литологик-геоморфологик, кимёвий-аналитик ҳамда профил усулларида фойдаланилган, жумладан, дала тадқиқот ва камерал изланишлар «Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ хариталарини тузиш бўйича йўриқнома» асосида, кимёвий таҳлиллар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» ҳамда «Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель» қўлланмаларида кўрсатилган услубларда ҳамда тупроқ-баҳолаш ишлари «Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларини бонитировкалаш бўйича услубий кўрсатма» асосида

бажарилган ҳамда олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида дисперсион услуб асосида ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Мирзачўл худуди ерларидан суғорма деҳқончиликда фойдаланиш (хайдаш, суғориш, ишлов бериш, ўғитлар қўллаш) натижасида тупроқ хоссаларидаги ўзгаришлар таъсирида эволюцион жараёнларнинг жадаллашганлиги ҳамда автоморф тупроқлар ўрнида ярим гидроморф ва гидроморф тупроқлар пайдо бўлганлиги аниқланган;

худуд суғориладиган тупроқларидаги грунт сувларининг сатҳи ва минераллашганлик даражаси оптимал критик чуқурликдан (~2,5 м) юқори жойлашганлиги натижасида тупроқ ҳосил бўлиш ва шўрланиш жараёнларида фаол иштирок этаётганлигини аниқланган;

худуд суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати тупроқларнинг бир метрли қатламларидаги умумий тузлар, жумладан, хлор иони захираларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланган;

Мирзачўл суғориладиган тупроқлари таркибидаги тузларнинг эрувчанлиги қанча юқори бўлса, уларнинг аккумуляцияланиш ареали шунча кичик майдонларни ташкил этиши илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Худуддан танланган таянч массивлар суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқлар унумдорлигини қайта тиклаш мақсадида (ГАТ технологияси ёрдамида) 1:10000 масштаби тупроқ шўрланганлик картограммалари тузилган;

Худуддан танланган таянч массивлар суғориладиган тупроқлари унумдорлигини бошқариш ва ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида (ГАТ технологияси ёрдамида) 1:10000 масштаби тупроқ сифатини баҳолаш карталари ишлаб чиқилган;

Мирзачўл худуди суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деградация жараёнларини олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда ер фондидан самарали фойдаланишга доир илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда дала, лаборатория ва камерал усуллардан фойдаланилганлиги, тадқиқотлар умумқабул қилинган услубларда бажарилганлиги, назарий ва амалий натижаларни бир-бирига мослиги, маълумотларга статистик ишлов берилганлиги, уларни амалиётга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти Мирзачўлни ўзлаштириш орқали суғориш, хайдаш, ишлов бериш, ўғитлар қўллаш натижасида тупроқ хоссаларидаги ўзгаришлар таъсирида эволюцион жараёнларнинг жадаллашганлиги ҳамда олдинги автоморф тупроқлар ўрнида ярим гидроморф ва гидроморф

тупроқлар пайдо бўлганлиги аниқланганлиги, ҳудуд суғориладиган тупроқларидаги грунт сувларининг сатҳи ва минераллашганлик даражаси оптимал критик чуқурликдан юқори жойлашганлиги натижасида тупроқ ҳосил бўлиш ва шўрланиш жараёнларида фаол иштирок этаётганлигини, ҳудуд суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати тупроқларнинг бир метрли қатламларидаги хлор иони захираларини ҳисобга олган ҳолда умумий туз захиралари асосида баҳоланганлиги ҳамда тупроқлар таркибидаги тузларнинг эрувчанлиги қанча юқори бўлса, уларнинг аккумуляцияланиш ареали шунча кичик, аксинча бўлган ҳолатларда эса катта майдонларни ташкил этиши илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, таянч ҳудудларнинг суғориладиган тупроқлар учун тузилган тупроқ сифатини баҳолаш карталари ва шўрланганлик картограммалари ҳамда илмий тавсиялар тупроқларнинг хосса-хусусиятлари ҳисобга олган ҳолда мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини бошқариш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланишга доир тадбирлар белгилашда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мирзачўл суғориладиган тупроқларининг мелиоратив ҳолати ва уларни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликлари суғориладиган тупроқларининг унумдорлигини сақлаш ва ошириш бўйича тавсиялар» ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 18 сентябрдаги 02/025-3787-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу тавсиялар Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги турли тупроқ-иқлим шароитлари шаклланган мелиоратив ҳолати ёмон, ер ости сувлари кўтарилган, турли даражада шўрланган, гипслашган, тошлоқли, эрозияланган суғориладиган тупроқлар унумдорлигини қайта тиклаш ва ошириш бўйича тадбирлар белгилашда қўлланма сифатида хизмат қилган;

Мирзачўл туманидаги «Тошкент», Арнасой туманидаги «Қозоғистон», Зафаробод туманидаги Ҳ.Олимжон номли массивлардаги жами 9921,2 га суғориладиган ерларнинг 1:10000 масштаби тупроқ шўрланганлик картограммалари тузилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 18 сентябрдаги 02/025-3787-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу картограммалар маълумотлари ҳудудлардаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, жумладан, шўр ювиш меъёрлари ҳамда муддатларини белгилаш, ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

Сардоба туманидаги М.Узоқов номли, Оқ олтин туманидаги У.Носир номли массивлардаги жами 7306,1 гектар суғориладиган ер майдонлари учун 1:10000 масштаби тупроқ сифатини баҳолаш харитаси ишлаб чиқилган ва массивлар ҳудудидаги фермер хўжаликлари фойдаланишлари учун амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг

2021 йил 18 сентябрдаги 02/025-3787-сон маълумотномаси). Натижада, массивдаги гидроморф ва ярим гидроморф тупроқларнинг унумдорлик даражасига қараб ерларнинг меъёрий қийматини ҳисоблаш, унумдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи кишлок хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш орқали ер ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирлар белгилашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 11 та, жумладан 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган. Жумладан 2 та тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертацияни тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мирзачўл тупроқларининг ўрганилиш ҳолати ва уларнинг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида ўрганилган мавзуга оид маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, олимлар томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари, интернет маълумотлари таҳлил этилган ва ёритилган. Адабиётларни таҳлили асосида, шўрланган тупроқлар таркибидаги захарли тузлар захирасини аниқлаш, шўрланиш жараёнлари, гумус ва озика элементларини йиллар давомида ўзгариш тенденциясини аниқлаш, кишлок хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклашга қаратилган илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги илмий асосланган.

Диссертациянинг «**Мирзачўлнинг табиий-тарихий шароитлари ҳамда тадқиқотлар объекти ва услуби**» деб номланган иккинчи бобида, Мирзачўл худуди суғориладиган тупроқларининг географик жойлашиш ўрни, геологик-литологик, геоморфологик, гидрогеологик, иқлими ва ўсимлик қопламлари ҳамда тупроқларни шаклланишида инсон фаолиятининг

роли, тадқиқот объекти, предмети ва усуллари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Мирзачўл худуди ер юзаси асосан текислик, рельефи ва ер юзасидаги жинслар тўртламчи геологик даврнинг катта-кичик дарёлари ва ирмоқларининг фаолиятидан ҳосил бўлган. Худуд баландлик минтақалари бўйича қуйидаги геоморфологик районларга ажралади: Мирзачўл марказий қисми қадимги кўл-пролювиал текислиги, лёссли текисликлар депрессияси, тоғ ости текисликлар, дарёларнинг пастки террасалари ва ёйилмалар. Тупроқ пайдо қилувчи жинслари лёссимон, проллювиал ва аллювиал-проллювиал ётқизиқлардан ташкил топган. Мирзачўлнинг иқлими умуман олганда континентал-субтропик иқлим гуруҳига кириб, ёзда турғун, жуда жазирама ва қуруқ ҳамда қишда ўта беқарор совуқ об-ҳаво ҳукм суради. Ўртача йиллик ҳарорат 12,5 дан 15,1⁰ гача тебраниб, худуд бўйича ўртача 14,0⁰га тенг.

Мирзачўл худудининг оч тусли бўз тупроқлар минтақасидаги суғориладиган бўз-ўтлоқи, ўтлоқи-бўз ва ўтлоқи тупроқлар тадқиқотлар объекти ҳисобланади. Тадқиқотлар дала, лаборатория ва камерал шароитларда тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилди. Изланишларда генетик, тарихий-таққослаш, литологик-геоморфологик, кимёвий-аналитик ҳамда профил усулларидан фойдаланилди. Олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили «Microsoft Excel» дастури ёрдамида дисперсион услуб асосида ҳисобланди.

Диссертациянинг **«Мирзачўл худуди суғориладиган тупроқлари, уларнинг агрофизик ва агрокимёвий хоссалари»** деб номланган учинчи боби бешта параграфдан иборат бўлиб, *«Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан танланган калит майдонлар тупроқлари»* деб номланган 1 ва 2-параграфларда калит майдонлар суғориладиган тупроқларининг келиб чиқиши, шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган:

биринчи калит майдони (КМ-1)-Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани М.Узоқов номли массив худудидаги делювиал, пролювиал-аллювиал ётқизиқлардаги Ровотсой ва Зоминсув конус ёйилмаларига туташган тоғ ости нишаблик текислигида жойлашган бўз-ўтлоқи тупроқлар;

иккинчи калит майдони (КМ-II)-Сирдарё вилоятининг Оқ олтин тумани У.Носир номли массив худудидаги делювиал-пролювиал ётқизиқлардаги қадимий конус ёйилмаларига туташган Марказий Мирзачўл текислигида жойлашган бўз-ўтлоқи тупроқлар;

учинчи калит майдони (КМ-III)-Оқ олтин тумани С.Сиддиқов номли массив худудидаги делювиал-пролювиал ётқизиқлардаги қадимий конус ёйилмаларига туташган Марказий Мирзачўл текислигида жойлашган бўз-ўтлоқи тупроқлар;

тўртинчи калит майдони (КМ-IV)-Сирдарё вилоятининг Ховос тумани «Пахтакор» массиви худудидаги қатламли аллювиал ётқизиқлардаги Сирдарё ва бошқа кичик дарёларнинг I ва II қайир усти террасасида жойлашган ўтлоқи тупроқлар тарқалган.

бешинчи калит майдони (КМ-V)-Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани «Тошкент» массиви худудидаги делювиал – пролювиал ва лёссимон

ётқизиклардаги қадимий конус ёйилмалари билан туташган Марказий Мирзаҷўл текислигида жойлашган бўз-ўтлоқи тупроқлар;

олтинчи калит майдони (КМ-VI)-Жиззах вилоятининг Арнасой тумани «Қозоғистон» массиви ҳудудидаги шўрланган кўл ётқизиклари ва эол (шамол)-қум келтирмаларидан иборат тўлқинсимон қум тепаликлари ва баланд-паст тепаликлардан ташкил топган Тузқони пастқамлигида жойлашган бўз-ўтлоқи тупроқлар;

еттинчи калит майдони (КМ-VII)-Жиззах вилоятининг Зафаробод тумани Ҳ.Олимжон номли массив ҳудудидаги Қлисой ва Тақирсойларнинг II ва I қайир усти террасаларида жойлашган ўтлоқи-бўз тупроқлар;

саккизинчи калит майдони (КМ-VIII)-Жиззах вилоятининг Зарбдор тумани «Андижон» массиви ҳудудидаги Туркистон тоғ тизмаларидан оқиб тушадиган бир қанча кичик дарё-сойлар конус ёйилмаларининг делювиал-пролювиал ва пролювиал–аллювиал ётқизикларидаги тоғ ости (Жиззах чўли) нишаблик текислигида жойлашган ўтлоқи тупроқлар тарқалган.

Мазкур бобонинг «*Тупроқларнинг механик таркиби*» деб номланган учинчи параграфида калит майдон тупроқларининг механик таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган. Сирдарё вилояти калит майдонлари суғориладиган ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлари енгил, ўрта ва оғир қумоқли механик таркибдан иборат бўлиб, айрим кесмалар тупроқ профилининг пастки горизонтларида қумлоқ ва соз (лой) механик таркибли қатламлар билан алмашади.

Мазкур калит майдонлари тупроқларидаги физик лой (<0,01 мм) миқдори кенг ораликда тебраниб, қумлоқларда 16-18, енгил қумоқларда 21-30, ўрта қумоқларда 32-45 ва оғир қумоқларда 45-58 % ни ташкил этади, ил (<0,001 мм) фракциялари 1,4-3,3 % дан 13-16 % гача бўлган миқдорларда кузатилди.

Жиззах вилояти калит майдонлари тупроқлари Сирдарё вилояти тупроқларидан сезиларли даражада фарқланади ва асосан енгил ва ўрта қумоқлардан иборат. Физик лой (<0,01 мм) заррачаларининг миқдори 21-29 % дан 32-40 % гача кўрсаткичларда кузатилса, ил фракциялари (<0,001 мм) кенг ораликда тебраниб 2,9-16 % ни ташкил этади.

Бу вилоят тупроқлари механик таркиби учун яна бир характерли хусусият, майда қум заррачаларига(0,1-0,05 мм) бойлиги бўлиб, унинг миқдорий кўрсаткичлари юқори қатламларда асосан 12-20% дан пастки қатламларга қараб 51-56% гача ортади.

Бобнинг «*Тупроқларнинг умумий физик хоссалари*» номли параграфида тупроқларнинг умумий физик хоссалари тўғрисидаги маълумотлари баён этилган бўлиб, тупроқнинг ҳажм массаси устки ҳайдалма қатламларда 1,25-1,38, ҳайдалма ости горизонтларида 1,44-1,56, оғир (созли) механик таркибли қатламларда 1,60-1,62 г/см³ ни ташкил этади, пастки қатламларда 1,23-1,51 г/см³ миқдорида тебраниб туради. Тупроқларнинг қаттиқ фазаси солиштирма оғирлиги уларнинг кимёвий, айниқса минерологик таркибларига боғлиқ бўлиб, кўп сонли маълумотларга кўра, у тупроқнинг бошқа кўрсаткичларига қараганда кам ўзгаради.

Мирзачўл тупроқларининг нисбатан юқори бўлмаган ($2,63-2,74 \text{ г/см}^3$) кўрсаткичлари улар таркиби солиштирма оғирлиги $2,75 \text{ г/см}^3$ дан кичик бўлган енгил фракцияли минераллардан ташкил топганлигидан далолат беради. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари тупроқларининг солиштирма оғирлиги бир-биридан деярли фарқ қилмагани ҳолда $2,63-2,75 \text{ г/см}^3$ кўрсаткичларни ташкил этади. Бу борадаги энг юқори кўрсаткичлар Ховос туманидаги «Пахтакор» ва Зафаробод туманидаги Ҳ.Олимжон номли массивлар шўрланган тупроқларида кузатилди ($2,66-2,75 \text{ г/см}^3$). Энг максимал ғоваклик кўрсаткичлари 51-52%, энг минимал ғоваклик эса 41-43% атрофида қайд этилди.

Мазкур бобнинг «Тупроқлардаги гумус ва асосий озиқа моддалар миқдори» номли параграфида тупроқларнинг асосий агрохимёвий хоссалари бўйича лаборатория-аналитик ва қиёсий-таҳлилий маълумотлар келтирилган. Мирзачўлнинг Сирдарё вилояти ҳудуди суғориладиган тупроқларининг ҳайдалма қатламида гумус миқдори 0,87-1,31% кўрсаткичларида тебраниб, гумус билан кам (0,5-1,0%) ва ўртача (1-2%) таъминланган гуруҳларни ташкил этади. Агрохимёвий таҳлил маълумотларига кўра, Оқолтин тумани С.Сиддиқов номли (КМ-3) ва Ховос тумани «Пахтакор» (КМ-4) массивларининг ўтлоқи-бўз ва ўтлоқи тупроқлари гумус билан кам, Сардоба тумани М.Узоқов номли (КМ-1), Оқолтин тумани У.Носир номли (КМ-2) массивларнинг бўз-ўтлоқи тупроқлари эса ўртача таъминланган. Бу тупроқларнинг ҳайдов қатламида ҳаракатчан фосфорнинг миқдори 2009 йилда 3,98-12,71 мг/кг ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда ҳам бу кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Ҳаракатчан калий миқдори бўйича кам (100-200 мг/кг) ва ўртача (200-300 мг/кг) таъминланган гуруҳга киради. 2009 йилда ҳаракатчан калийнинг миқдори тупроқларнинг ҳайдов қатламида 175-275 мг/кг оралиғида тебраниб тургани ҳолда, унинг энг юқори кўрсаткичлари (275 мг/кг) Оқолтин тумани С.Сиддиқов номли массивнинг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларида, энг кам миқдори (170 мг/кг) эса Ховос тумани «Пахтакор» массивининг суғориладиган ўтлоқи тупроқларида аниқланди. 2021 йилда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, алмашинувчи калийнинг энг юқори кўрсаткичлари (285 мг/кг) Сардоба тумани У.Узоқов номли массивнинг суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларида, энг кам миқдори (100 мг/кг) эса Ховос тумани «Пахтакор» массивининг суғориладиган ўтлоқи тупроқларида аниқланди.

Мирзачўлнинг Жиззах вилояти қисмидаги суғориладиган тупроқларни ҳайдалма қатламида гумус миқдори 0,76-1,21 % оралиғида тебраниб, унинг энг кўп миқдори Зафаробод тумани Ҳ.Олимжон номли массивнинг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқларига тегишлидир. Зарбдор тумани «Андижон» массиви суғориладиган ўтлоқи тупроқлари ҳайдов қатламидаги ялли азот миқдори 0,061% ни ташкил этиб, бу тупроқлар азот захираларининг кам эканлиги билан характерланади. Мирзачўл тумани «Тошкент» массиви суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари ҳайдалма қатламида ялли азот миқдори 0,048 % ни, Арнасой тумани «Қозоғистон» массивидаги бўз-ўтлоқи тупроқларда эса 0,050% ни ташкил этади.

Жиззах вилояти суғориладиган ерларида танланган калит майдонлари тупроқлари ҳайдов қатламидаги ялпи фосфор миқдори 0,115-0,423% оралиғида тебраниб, бу вилоят тупроқлари Сирдарё вилояти тупроқларига нисбатан ялпи фосфорга бой эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Мирзачўл худуди суғориладиган тупроқларининг мелиоратив ҳолати**» деб номланган тўртинчи боби иккита параграфдан иборат бўлиб, «*Ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги, минераллашганлик даражаси ва кимёвий таркиби*» номли параграфида, калит майдон ер ости сувларининг чуқурлиги ва минераллашганлик даражаси тўғрисида маълумотлар келтирилган. Республикамизнинг кўпгина худудларида бўлганидек, Мирзачўл суғориладиган тупроқларининг туз режими асосан грунт сувлари ҳолати ва режими билан характерланади, яъни ер ости сувларининг сатҳи ер юзасига қанча яқин жойлашса ва минерализация даражаси қанча юқори бўлса, тупроқда туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнлари шунчалик тез ва жадал содир бўлади. Ўрганилган худудларда энг чуқур жойлашган грунт сувлари 190-210 см оралиғида бўлса, ер юзасига яқин жойлашган худудларда эса 150-196 см ни ташкил қилади (1-жадвал).

1-жадвал

Сирдарё ва Жиззах вилоятлари калит майдонларидаги грунт сувлари чуқурлиги ва минераллашганлик даражасининг тебраниш оралиғи ва ўртача арифметик кўрсаткичлари

Калит майдони №, массив, туман, тупроқ номи	Кесамалар сони	Грунт сувлари			
		чуқурлиги, см		минераллашганлиги, г/л	
		тебраниш оралиғи	ўртача	тебраниш оралиғи	ўртача
КМ-I, М.Узоқов, Сардоба, бўз-ўтлоқи	3	192-220	206	3,130-7,710	5,480
КМ-II, У.Носир, Оқ олтин, бўз-ўтлоқи	3	192-225	209	4,640-6,790	5,600
КМ-III, С.Сиддиқов, Оқ олтин, ўтлоқи-бўз	3	190-210	200	4,400-5,300	4,820
КМ-IV, Пахтакор» Ховос, ўтлоқи	3	160-186	173	5,540-7,470	6,605
Ўртача	12	160-220	197	3,130-7,710	5,626
КМ-V, «Тошкент», Мирзачўл, бўз-ўтлоқи	3	180-210	195	4,360-5,560	5,187
КМ-VI, «Қозоғистон» Арнасой, бўз-ўтлоқи	3	150-196	173	3,960-7,650	5,617
КМ-VII, Ҳ.Олимжон Зафаробод, ўтлоқи-бўз	3	184-200	192	4,150-7,024	5,411
КМ-VIII, «Андижон» Зарбдор, ўтлоқи	3	175-196	186	3,360-5,650	4,665
Ўртача	12	150-210	186	3,360-7,650	5,215

Ўрганилган грунт сувлари ҳар иккала вилоятда ўртача минераллашган (3-10 г/л) сувлар гуруҳини ташкил этиб, унинг энг юқори даражаси Сирдарё вилоятининг суғориладиган тупроқларида 7,470-7,710 г/л, Жиззах вилояти тупроқларида эса 7,024-7,650 г/л кўрсаткичларида қайд этилди. Юқорида қайд этилган рақамларга мос равишда хлор иони миқдори 0,434-0,585 ва 0,401-0,476 г/л ни ташкил этиб, бу кўрсаткич Арнасой тумани «Қозоғистон» массивида 1,540 г/л миқдорида кузатилди.

Сирдарё ва Жиззах вилоятларида жойлаштирилган калит майдонлари тупроқларидаги грунт сувларининг сатҳи ва минераллашганлик даражаси уларнинг қайси геоморфологик районга мансублигидан қатъий назар оптимал критик чуқурликдан (~2,5 м.) анча юқори жойлашганлиги ҳисобига мазкур ҳудудларда тупроқ ҳосил бўлиш ва шўрланиш жараёнларида фаол иштирок этаётганлиги аниқланди.

Мазкур бобнинг «*Тупроқлардаги шўрланиш ва шўрсизланиш жараёнлари, сувда осон эрувчи тузлар миқдори ва захираларининг ҳозирги ҳолати*» номли параграфида тупроқдаги шўрланиш ва шўрсизланиш жараёнлари, сувда осон эрувчи тузлар миқдори ва захираларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати, уларнинг сув-туз режимлари, бир қатор омилларга, жумладан грунт сувлари ҳолати кўрсаткичларига, тупроқ эритмаси концентрациясига, суғориш режими, шўр ювиш ва суғориш сувлари сифатига, тупроқ грунтларининг механик таркибига, шунингдек жойнинг геоморфологик-литологик тузилиши ва иқлим шароитларига боғлиқ бўлади.



Шўрланиш даражасига кўра, ўрганилган калит майдонлари ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқларида шўрланмаган (тузлардан ювилган) айирмаларидан (тузлар миқдори 0,3% дан кам) ўртача (1-2 %) ва кучли шўрланган (2-3%), айрим ҳолатларда шўрхоқларгача (тузлар миқдори 3% дан кўп) бўлган айирмалари кузатилса, устки тузли қатламларнинг тупроқ кесмасида жойлашиш чуқурлиги, қатлам қалинлиги ва шўрланиш даражасига кўра шўрхоқли (тузларнинг максимал юқори миқдори 0-30 см.ли қатламда кузатилади), юқори шўрхоқсимон (30-50 см.да), шўрхоқсимон (50-100 см.да), чуқур шўрхоқсимон (100-150 см.да) ва чуқур шўрланган (150-200 см.да) гуруҳлари қайд этилади.

Ўрганилган калит майдонлари тупроқларининг гипслашганлик даражаси маълумотларига кўра, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари суғориладиган ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлари турли даражада гипслашганлиги билан характерланиб, Жиззах вилояти калит майдонлари (V-VIII) тупроқлари гипслашмаган (<10%) тупроқлар гуруҳини ташкил этади, гипснинг максимал миқдори 3,86-4,47 % атрофида кузатилади.

Мирзачўл ҳудудидаги калит майдон тупроқлари горизонтларидаги сувда осон эрувчи туз захираларини (т/га) йиллар давомида ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар 1 ва 2-расмларда келтирилган бўлиб, шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, тупроқ кесмаларида тузларнинг нотекис тақсимланганлиги, яъни унинг алоҳида горизонтларида турли даражадаги миқдор ва шўрланиш мавжудлиги боис, у ёки бу тупроқ горизонтлари учун туз захираларини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эга, айниқса уларнинг илдиз системаси тарқалувчи тупроқнинг ҳайдалма, устки 0-50 ва 0-100 см.ли қатламларида қайд этиш ниҳоятда зарур.

Сирдарё вилоятидаги калит майдон тупроқларидаги туз захираларини йиллар давомида ўзгаришига эътибор берадиган бўлсак, учинчи калит майдон тупроқларида 2009 йилга нисбатан 2021 йилда туз захиралари 134,2

т/га дан 140,7 т/га ортганлигини қолган барча калит майдон тупроқларида эса туз захираларини маълум миқдорда камайганлиги кузатилди.



1-расм. Сирдарё вилояти калит майдонлари тупроқ қатламларидаги сувда осон эрувчи тузлар захираси, 2009 ва 2021 йиллар (т/га)

2-расм. Жиззах вилояти калит майдонлари тупроқ қатламларидаги сувда осон эрувчи тузлар захираси, 2009 ва 2021 йиллар (т/га)

Жиззах вилоятидаги калит майдон тупроқларида ҳам шундай ҳолат кузатилган бўлиб, Зафаробод тумани Х.Олимжон номли массивда туз захиралари 2009 йилда 188,9 т/га бўлган бўлса, 2021 йилда олиб борилган тадқиқот натижалари маълумотларига кўра 191,5 т/га ни ташкил қилди.

Олинган таҳлил натижаларининг кўрсатишича, ўрганилган калит майдонлари суғориладиган тупроқларидаги туз захираларининг миқдори табиий ва инсон-хўжалик шароитлари, гидромелиоратив тизимлар ҳолати, айниқса шўр ювиш сифатига боғлиқ ҳолда, ҳудуднинг турли қисмларида кенг ораликда тебраниб туради. Айрим калит майдонларда кучли шўрланиш жараёнлари содир бўлиб, туз захиралари миқдори катта кўрсаткичларда кузатилса, аксинча айрим калит майдонлардаги туз захираларининг кичик миқдорлари шўрсизланиш жараёнлари шаклланаётганлигидан далолатдир.

Диссертациянинг «**Ер фонди ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш**» деб номланган бешинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, мазкур бобда Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ер фонди ва тупроқ ресурсларининг бугунги ҳолати, ўрганилган ҳудуд суғориладиган тупроқларининг унумдорлик даражаси ва ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид маълумотлар келтирилган.


